

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

1 МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES  
SPECIAL ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2022

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES  
№SI-1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2022-SI-1>

Бош мұҳарріп:

Главный редактор:

Chief Editor:

Сейитов Азамат Пулатович

доктор социологических наук

(Doctor of sociology, DSc)

Бош мұҳарріп ўринбосари:

Заместитель главного редактора:

Deputy Chief Editor:

Сабирова Умида Фархадовна

доктор социологических наук

(Doctor of sociology, DSc)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

22.00.01-Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари.  
Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований.  
Theory, methodology and history of sociology. Methods of sociological research.

**Бекмурадов Мансур Бобомуродович**

доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)

**Каланов Комил Куллахматович**

кандидат социологических наук, профессор (Узбекистан)

**Убайдуллаева Раиса Турсунновна**

доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)

**Негматова Шахзода Шуҳратовна**

доктор философских наук, профессор (Узбекистан)

**Исмаилов Алишер Азамович**

доктор экономических наук, (Узбекистан)

**Щепилова Галина Германовна**

доктор философских наук, профессор (Россия)

**Рожанский Михаил Яковлевич**

кандидат философских наук (Россия)

**Маматов Нормурат**

доктор философских наук, профессор (Узбекистан)

**Камалова Хатира Сабировна**

кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)

22.00.02-Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

Социальные структуры, социальные институты и образ жизни

Social structures, social institutions and way of life

**Умаров Абсалом Адилович**

доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)

**Холбеков Абдуғани Жуманазарович**

доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)

**Шайхисламов Рафаэль Бадретдинович**

доктор социологических наук, профессор (Россия)

**Акулич Мария Михайловна**

доктор социологических наук, профессор (Россия)

**Сабиров Алишер Сабирович**

кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)

**Каримов Бобир Шаропович**

доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)

**Антонио Алонсо Маркос**

доктор политических наук, профессор (Испания)

**Фадеева Любовь Александровна**

доктор социологических наук, профессор (Россия)

**Виктор Агаджанян**

доктор философии по социологическим наукам,

профессор (США)

**Тагиева Гулсум Гафурова**

доктор философии по социологическим наукам (Узбекистан)

**Абдулазизов Абдуллохид Ҳабибуллевич**

кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)

**Толипов Файзула Сайдович**

кандидат исторических наук, доцент (Узбекистан)

22.00.03-Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси.

Социология социального сознания и социального процесса.

Sociology of social consciousness and social process

**Норқулов Ҳусниддин Дўйсебекович**

педагогика фанлари номзоди, доцент (Узбекистан)

**Аликариев Нуритдин Сапаркариевич**

доктор экономических наук, профессор (Узбекистан)

**Матибаев Тасполат Балтабаевич**

доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)

**Николов Стефан**

доктор философии по социологическим наукам, (Болгария)

**Пармонов Фарход Ярашевич**

доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)

**Ли Ци**

доктор исторических наук, профессор (Китай)

**Сухомлинова Марина Валерьевна**

доктор социологических наук, профессор (Россия)

**Бурнашев Рустам Ренатович**

кандидат философских наук, профессор (Казахстан)

**Мирзахмедов Абдирашид Мамасидикович**

доктор философских наук, и.о. профессор (Узбекистан)

**Махкамов Қодиржон Одилжонович**

доктор философии по социологическим наукам,

доцент (Узбекистан)

Page Maker | Верстка | Сахифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

# **МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT**

<b>1. Холбеков Абдугани</b> ЛИТЕРАТУРНЫЙ МЕТОД В СОЦИОЛОГИИ ИЛИ ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ПРОИЗВЕДЕНИЕ КАК ИСТОЧНИК СОЦИОЛОГИЧЕСКОГО АНАЛИЗА (на примере драмы А.С.Пушкина “Борис Годунов”)	5
<b>2. Севиндиқ Тошев</b> РАҲБАР КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА	15
<b>3. Хайдаров Аброр Хайдарович</b> ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ЯНГИ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАРНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ: НАЗАРИЙ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛ	23
<b>4. Nematova Dilfuza Tulanboevna</b> KAMBAGALLIKNI QISKARTIRISHDAGI IZHTIMOIY ISLOHOTLAR	31
<b>5. Парманов Фарход Ярашович</b> МИГРАНТ МОДУЛИНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ	40
<b>6. Kalanova Sabohat Muradovna</b> O'ZGARIB BORAYOTGAN DUNYO SHAROITIDA AVLODLARNING DIFFERENSIATSIYASI VA JPSLASHUVI	49
<b>7. Мавлонов Журабек Ёркулович</b> СОЦИАЛЬНОЕ ПАРТНЕРСТВО И ЕГО ПОТЕНЦИАЛ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ	58
<b>8. Бурханов Хусниддин Миродилович</b> АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ САЙТЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТЛАРИ	68
<b>9. Олимов Фурқат Ҳошимович</b> ИНСОН КАПИТАЛИНИ КИЧИК БИЗНЕСДА ҚЎЛЛАНИШИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ	78
<b>10. Якубов Бахтиёр Султонназирович, Сеитов Азамат Пулатович</b> ПОЛИТИЧЕСКИЕ ПАРТИИ В ПРОЦЕССАХ ПОВЫШЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ АКТИВНОСТИ ЖЕНЩИН УЗБЕКИСТАНА	87
<b>11. Xudoyberganova Dilnoza Komiljon qizi</b> AQSH VA XITOY TADQIQOT MARKAZLARINING QIYOSIY TAHЛИ	99
<b>12. Raimjanova Ug'ilxon Nomanovna</b> ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИ: АНЬАНАВИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК	106
<b>13. Қутлимуратова Нигора Машариповна</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР	116

<b>14. Тошпўлотов Шоҳижон Эшпўлот ўғли</b> ДИНИЙ БАҒРИЕНГЛИК ГОЯСИНинг ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ (СИЁСИЙ-ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ).....	124
<b>15. Хушвакова Наргиза Абдуллаевна</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ САМАРАДОРЛИГИ... ...	134
<b>16. Кадирова Халима Бувабаевна</b> МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ МУАММОЛАРИНИ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚ ЭТИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ.....	141

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Севиндиқ Тошев,  
PhD (сиёсий фанлар бўйича)

## РАҲБАР КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6615872>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола бугунги кунда Ўзбекистонда раҳбар кадрлар тайёрлашнинг долзарблиги, бу борадаги муаммолар ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга бағишлиланган бўлиб, унда Ўзбекистон мисолида раҳбар кадрларни тайёрлаш муаммолари ва истиқболларининг айrim жиҳатлари ўрганилган. Шу билан бирга, ходимларнинг фойдали иш коэффиценти ва мобиллигини ошишига бошқарув социологияси ва психологиясига оид билимларини шакллантиришида, раҳбар кадрлар тайёрлаш ва уларда бошқарув кўникмаларини ривожлантириш масалаларини функционал аҳамияти комплекс-тизимли таҳлил қилинган. Мақолада раҳбар бир қатор йўналишларда шахсий намуна кўрсатиши мақсаддага мувофиқлиги санаб ўтилган бўлиб, раҳбар кадрлар тайёрлашда буюк мутафаккир олимларнинг фикрлари келтирилган. Муаллиф томонидан бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун бир қатор ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш масаласини ўрганиб чиқилган.

**Калит сўзлар:** сиёсат, раҳбар кадрлар, ислоҳот, давлат ва жамият бошқаруви, раҳбар масъулияти, шахсий намуна, етакчи, самарадорлик, илмий тадқиқот.

Севиндиқ Тошев,  
PhD (по политическим наукам)

## ОБ ОТДЕЛЬНЫХ АСПЕКТАХ ПРОБЛЕМ И ПЕРСПЕКТИВ ПОДГОТОВКИ РУКОВОДЯЩИХ КАДРОВ: НА ПРИМЕРЕ УЗБЕКИСТАНА

### АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена актуальности подготовки менеджеров в Узбекистане на сегодняшний день, проблемам в этой области и задачам, которые предстоит решить, в которой исследуются некоторые аспекты проблем и перспектив подготовки менеджеров на примере Узбекистана. При этом необходим комплексный системный анализ функциональной значимости управлеченческой подготовки и развития управлеченческих навыков в формировании знаний по социологии и психологии управления для повышения эффективности и мобильности сотрудников. В статье перечисляется целесообразность личного примера лидера в ряде областей, а также приводятся взгляды великих мыслителей на обучение лидерству. Автор рассматривает реализацию ряда организационных мероприятий по подготовке, переподготовке и повышению квалификации управлеченческих кадров.

**Ключевые слова:** политика, лидерство, реформа, государство, государственное управление, управленческая ответственность, личный пример, лидерство, эффективность, исследование.

Sevindik Toshev,  
PhD (in politics)

## CHALLENGES AND TASKS MANAGEMENT TRAININGS SEPARATE ASPECTS: BY THE EXAMPLE OF UZBEKISTAN

### ANNOTATION

This article is devoted to the relevance of training managers in Uzbekistan today, the problems in this area and the tasks to be solved, which explores some aspects of the problems and prospects for training managers on the example of Uzbekistan. At the same time, a comprehensive systematic analysis of the functional significance of managerial training and the development of managerial skills in the formation of knowledge in the sociology and psychology of management is required to increase the efficiency and mobility of employees. The article lists the usefulness of a personal example of a leader in a number of areas, and also provides the views of great thinkers on leadership training. The author considers the implementation of a number of organizational measures for the training, retraining and advanced training of managerial personnel.

**Key words:** politics, leadership, reform, state, public administration, managerial responsibility, personal example, leadership, efficiency, research.

“Илмдан ўзга најсot йўқ ва бўлмагай”  
Имом Бухорий

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида туб ўзгаришларни амалга ошириш, ахолининг фаровонлик даражасини кўтариш ва инсон салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Миллий давлатчилик суверенитетини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон хуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ишларни самараали амалга оширишнинг зарурӣ шарти бўлган раҳбар ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги чора-тадбирлар давлат раҳбарияти эътиборидаги асосий масалалардан бири сифатида намоён бўлди. Чунки, қайси соҳа бўлишидан қатъий назар профессионал раҳбар кадрлар юқори самарадорликни таъминлаш гаровидир, қолаверса, “малакали ходимларга бўлган жорий ва келгусидаги эҳтиёжларни қондириш учун мутахассислар ҳамда раҳбарларни тизимли равишда тайёрлаш лозим. Инсон ресурсларига бўлган эҳтиёжни ҳар доим келажакни ўйлаб, мутахассисларнинг тўсатдан ишдан бўшаши ва ишнинг кўпайиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда режа қилиш зарур” [1].

Шу сабабли, ушбу йўналишдаги ишларни тизимли ташкил қилиш ва амалга ошириш мақсадида 1995 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ташкил этилди, 2012 йилда у Давлат бошқаруви академияси (кейинги ўринларда – Академия) сифатида қайта тузилди [2].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев президентлик лавозимига киришишидан бошлаб, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга катта эътибор қаратди, жумладан, “асосий вазифа - бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат. Бу борада ҳудудий бошқарув органлари, энг аввало, мамлакатимиз туман ва шаҳарлари ҳокимликлари учун малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ҳар бир давлат хизматчиси ўзининг бурчи ва мажбуриятини аниқ-равshan билиши, содда қилиб айтганда, ўз аравасини ўзи тортиши лозим. Бу - замон талаби. Олдимизга қўйган

мақсад-муддаоларга етиш учун бу ишларни ўзимиз қилмасак, бошқа ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди. Шу нұқтаи назардан қараганда, кадрларнинг амалий захирасини шакллантириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг мұхим масалаларини ўз ичига оладиган мақсадли дастурни ишлаб чиқиш вақты келди” [3].<sup>деб таъкидлади</sup>

Юқоридаги вазифани бажариш мақсадида, 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармони билан:

“хозирги замон ижтимоий-иқтисодий шароитларида ишлаш учун бошқарув кадрларини касбға тайёрлашга нисбатан қўйилган талабларга жавоб берадиган олий касб таълими дастурлари бўйича давлат ва жамият бошқаруви соҳасида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

тингловчиларда давлат ва жамият бошқаруви, психология, ахборот-коммуникация технологиялари ва «электрон хукумат» тизимлари соҳасида мустаҳкам билимларни, бошқарувнинг хукукий асослари ва замонавий усулларини, ташаббускорлик ва етакчилик хислатларини шакллантириш, шунингдек тизимли таҳлил қилиш ва стратегик режалаштириш, ноодатий шароитларда қарорлар қабул қилиш бўйича кўнкималар ишлаб чиқиш” [4], Академиянинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари қилиб бегиланди.

Бошқарув вазифаларини самарали ҳал қилиш учун раҳбар кадрлар ўз касбий малакаларини доимий равища тақомиллаштириб бориш имкониятига эга бўлишлари заруриятидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Давлат бошқаруvida илғор давлат менежменти ва “ақлли” бошқарув принципларини босқичма-босқич жорий этишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 959-сон Қарори қабул қилинди.

1995-2020 йилларда бир неча мингдан ортиқ турли соҳа раҳбар ходимлари Академиянинг тайёрлов, қайта тайёрлов ва малака ошириш курсларида таҳсил олдилар. Академияда ўқув жараёнлари Ўзбекистондаги турли соҳаларда фаолият олиб бораётган тажрибали раҳбарлар ва бошқарув соҳасининг етакчи чет эллик мутахассисларини жалб этган ҳамда бевосита амалиётга боғлаган ҳолда амалга ошириш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, “Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, ўзларининг қуи тизим раҳбарлари ва ходимларини янгича талаблар ва замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ишлашга ўргатиш ва малакасини мунтазам ошириб бориш учун масъул этиб” [5], тайинланди. Натижада, бошқарув кадрларини тайёрлаш соҳасида устоз-шогирд анъанаси йўлга қўйилмоқда ҳамда илм-фан ва амалиёт интеграцияси амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида раҳбарларни ўқитиш, ўргатиш ва тарбиялашнинг янги ва ўта кучли ҳамда бошқалар учун ҳам тарбиявий таъсирга эга усул шаклланди, яъни ушбу жараёнга Оммавий ахборот воситалари «тўртинчи ҳокимият» сифатида жалб қилина бошланди. «Оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларни холис ёритиш билан бирга, жойлардаги мавжуд долзарб муаммоларга давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини қаратиб, уларни бартараф этишга барча даражадаги раҳбарларни даъват этиб, ундан келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Аччиқ ва танқидий материаллар жойлардаги кўплаб амалдорларга ёқмаслиги, уларнинг тинчини ва ҳаловатини бузабётгани ҳам бор гап” [6].

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда раҳбар кадрлар тайёрлашнинг учта бир-бири билан узвий боғлиқ қуидаги ўзига хос тизими яратилди:

биринчи босқич, раҳбар этиб тайинлангунга қадар тайёргарлик (турли олий ўқув юртларидаги таълим ва иш жараёнидаги ўқиши);

иккинчи босқич, асосий тайёргарлик (махсус ўқув юртларида, жумладан, Давлат бошқаруви академиясидаги таълим);

учинчи босқич, амалий ўқиши (иш жойида ўқиши-ўрганиш).

Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси давлат бошқарув соҳасида қатор камчиликлар сақланиб қолаётганлигини кўрсатди: “Кўпгина вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш

ҳаддан ташқари марказлашган. Уларнинг вазифалари аниқ ва тўлиқ белгиланмаганлиги сабабли, фаолиятларида бир-бирини тақрорлаш ҳолатлари мавжуд. Сабаби – кўпчилик вазир ўринбосарлари, ўрта бўғин раҳбарлари масалани ҳал қилиш учун ташабbus кўрсата олмайди. Бунинг сабаби нимада? Уларнинг ё билими, малакаси йўқ, ё қатъияти етмайди, ёки коррупцияга берилган. Афсуски, бундай раҳбарлар аҳоли кутаётган ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш ўрнига кераксиз қоғозбозлик ва натижасиз мажлислар ўтказиш билан овора бўлиб қолмоқда...

Сўнгги 4 йилда барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришларни амалга ошириш бўйича 150 та қонун, 2 мингга яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди. Лекин, жойларда барча раҳбарлар ҳам ушбу ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушуниб, берилган имкониятлардан фойдаланмоқда, аҳоли ва тадбиркорларга зарур шарт-шароит яратмоқда, деб айта олмаймиз” [7].

Ҳақиқатдан ҳам, баъзи раҳбарларда билим, малака, қатъият етишмаса, айримлари коррупцияга берилган. Масалан, сўнгги 2 йилда коррупция учун жиноий жавобгарликка тортилган маҳаллий ҳокимликлар ходимларининг 20 нафари, жумладан 7 нафар туман ҳокими ўринбосари ва 13 нафар бошқа ходимлар муқаддам шу тоифадаги жиноятларни содир этганлиги учун судланган шахсларни ташкил қиласди [8].

Шундай экан, муаммо нимада? Муаммо Ўзбекистонда айнан учинчи босқич оқсамоқда, “ҳокимлар ўқимайди, биласизларми, бизнинг энг катта муаммолиз шу” [9].

Таъкидлаш лозимки, биринчи ва иккинчи босқич бўйича ишларни давлат томонидан ташкил қилиш ва амалга ошириш мумкин, яъни бу мажбурий ўқиши шаклини касб этади. Лекин, А.Рудакий айтганидек: “Агар ҳар ким ҳаётдан олмаса таълим, унга ўргата олмас ҳеч бир муаллим”.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги “чақириғи” нафақат ҳокимлар, балки барча бўғиндаги раҳбарларга тегишли, деб қабул қилиш лозим, чунки ўз устида ишлайдиган ҳар бир шахс ушбу йўналишдаги ҳаракатини кучайтириши унинг комиликка эришишига хизмат қиласди.

Чунки, учинчи босқич – амалий ўқиши барча соҳада муҳим аҳамиятга эга, А.Эйнштейн таъбири билан айтганда: “маълумот билим эмас, билимнинг ягона манбаи бу тажриба ва малакадир” [10]. Билим тажриба ва малака билан кўлга киритилади. Назарий жиҳатдан сиз барча нарсани билишингиз мумкин, лекин сиз уни англашингиз учун ўрганиш предмети билан тўқнашишингиз зарур. Вақтни фақатгина назарий билим олишга эмас, балки тажрибани оширишга ҳам сарфлаш зарур.

Глобаллашув шароитида эса шиддат билан кечеётган янгиланиш жараёнлари, давлат ва ҳалқ ўртасидаги муносабатларнинг кескин ўзгараётгани, бошқарув кадрларининг билим ва кўникмаларини ушбу ўзгаришларга мослаштириш, уларнинг замон билан ҳамнафас ҳаракатланиши, ҳар бир раҳбар ходимдан, биринчи навбатда, мавжуд вазиятни танқидий ўрганиш, сифат жиҳатдан ўзгаришиш, доимий изланиш, касбий билимлари ва бошқарув маҳоратини оширишлари учун ўз устида мунтазам ишлашни, ҳар ишга ижодий ёндашишни талаб қилмоқда.

Иккинчидан, шахс жуда мураккаб индивид бўлиб, ҳаётда бир-бирига айнан ўхшаш феъл-авторга эга инсон ёки жамоани топиш амри маҳол, бу эса ўз навбатида ҳар бир раҳбардан ўз устида мунтазам ишлаш билан боғлиқ масала, хусусан ўзининг бошқарув социологияси ва психологиясига оид билимлари, кўникмаларини шакллантириши лозим.

Учинчидан, энг асосийси, раҳбар қайси жамоа ёки жамият вакили бўлишидан қатъий назар у бошқа жамоат ёки жамият вакиллари олдида ўз колективининг юзи. Шу сабабли у ҳар доим нафақат ўз жамоаси аъзолари балки бошқа ижтимоий гурухлар учун ҳам шахсий намуна кўрсатиши зарур.

Ижтимоий жараёнлар тадқиқоти шуни кўрсатадики, айнан бир хил номақбул хатти-ҳаракат ёки жиноят кўпчиликка таниш бўлмаган шахсдан кўра, мансабдор шахс томонидан содир этилганда унинг ижтимоий хавфлилик даражаси юкори бўлади. Шу сабабли, хукубузарликлар ва жиноятларни содир этганлик учун мансабдор шахсга нисбатан ҳар доим

оғирроқ жазо тайинланади. Раҳбар томонидан содир этилган номақбул хатти-харакат ёки жиноят унинг эгаллаб турган лавозими даражасидан келиб чиқкан ҳолда нафақат бирор бир ташкилот, балки хукумат фаолиятига баҳо берилишига сабаб бўлади ҳамда ҳалқнинг ҳокимият вакилларига ишончи сусайишига олиб келади. Айрим ҳолларда бу каби салбий ҳолатлар давлат раҳбариятининг ҳалқаро миқёсда обрўсига путур етишига, мамлакат иқтисодиётига хорижий сармоялар кириб келишини камайиши ва бошқа шу каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради.

Қолаверса, раҳбарнинг шахсий намуна бўлиши давлат ва жамият учун кучли тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Ўзбек ҳалқи менталитетидан, хусусан “кattага ҳурмат” иборасидан келиб чиқкан ҳолда раҳбарнинг шахсий намуна бўлиш ҳолатини кўриб чиққанимизда ҳам, ушбу масала қанчалик тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини англаймиз. Чунки, “агар раҳбарнинг ўзи ножӯя ишларга кўл урса, бошқа ходимлар, айниқса, катта умид билан ҳаётга кириб келаётган беғубор ёшларимиз улардан нимани ўрганади?” [11].

Тадқиқ қилинган материаллари асосида, айтиш мумкинки, раҳбарлардан энг кўп талаб қилинадиган нарса шахсий намунадир ва айнан ушбу фазилатни шакллантиришга интилишнинг етишмаслиги бошқарув тизимидағи барча муаммолар илдизидир.

“Агар раҳбарлар намуна бўлмаса, эртага биз одамларни эргаштира олмаймиз” [12], жамоадаги парокандалик эса ҳеч қачон иш фаолиятини самарали ташкил қилиш имконин бермайди.

Бунинг учун, раҳбар фидойи бўлиши, ўз хузур-ҳаловатидан кечиши, жамоа манфаатларини ўз манфаатидан устун кўйиши, ижтимоий интизом, ўзаро тарбия, анъаналарни асраб-авайлаши, яъни мақбул хулқ-атвор эгаси бўлиши, ўз билим ва кўникмаларини доимий равишда такомиллаштириши талаб этилади. Том маънода раҳбарлик лавозим эмас, балки раҳбар шахснинг ҳаёт тарзига айланиши зарур. Фикримизни, буюк давлат арбоби, бобокалонимиз Амир Темур ўз тажрибасига таяниб, давлат бошқарувида амал қилиш зарур бўлган бешинчи тузук сифатида кўрсатган: “Салтанат тўнини кийгач, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш хузур-ҳаловатидан воз кечдим. Ўн икки ёшимдан жаҳонгашталик қисматим бўлди, ранжу меҳнатлар тортдим. Ҳар хил тадбирлар қўлладим, (ғаним) фавжларини синдиридим. Амирлар ва аскарларнинг исёнларини кўрдим, улардан аччиқ сўзлар эшийтдим. Лекин, сабру бардош билан ўзимни эшийтмаган, кўрмаганга солиб, уларни тинчтитдим. Қилич кўтариб жанг майдонига отилдим ва вилоятлар, мамлакатларни бўйсундириб, дунёда ном чиқардим” [13] сўзлари тасдиқлайди.

Бунинг учун, раҳбар қуидагилар йўналишларда шахсий намуна кўрсатиши мақсадга мувофиқ:

биринчидан, раҳбар машҳур хитойлик мутафаккир Цзи Канцзи сўзи билан айтганда: “Давлатни юритиш иллатни қуритишидир, ўзингки, тозасан, ўзгани кутқазасан!” [14] иборасига риоя қилишда;

иккинчидан, бошқарув тажрибасига эга ўзбек мутафаккири Алишер Навоийнинг «Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким, йўқ ҳалқ ғамидин ғами», деган сатрларидағи чуқур ҳаётий ҳикмат, раҳбар ёки инсон фалсафасига риоя қилишда, яъни, бу дунёда инсонларнинг, бизнинг ҳолатимизда раҳбар томонидан жамоа-ҳалқнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш - энг олий мезондир. Хитойлик мутафаккир Лао Цзи айтганидек: “Буюк ишлар, албатта, майда ишлардан бошланади” [15], яъни жамоадаги ёки унинг аъзоларининг мавжуд ёки юзага келаётган муаммоларга майда-чуйда муаммо сифатида қарамаслик зарур, чунки бу фаолият натижадорлигига салбий таъсир кўрсатади ва охир оқибат жамоада парокандаликка, ижтимоий масъулиятнинг пасайишига олиб келади. Шунинг учун, Лао Цзи таъкидлаганидек: “Одамлар ортингдан эргашишларини истасанг, уларни ортидан юр” [16], яъни жамоа аъзоларининг муаммолари билан яшаш лозим, шундагина, раҳбар ҳақиқий етакчига айланади.

Учинчидан, раҳбар тарихни, яъни бошқалар хатосини ўрганишда ва мақсадга эришишда қийинчиликларга қарамай доимо ҳаракатда бўлишда, сўз ва амали яқдиллигини таъминлашда. Бу борада Амир Темур ўз тажрибасини қуидагича ифодалаган: «Бошлаган

ишни охирига етказдим. Ҳар неки десам, унга ўзим амал қилдим. Тарихни (бошқалар хатоларини) ўргандим” [17].

Раҳбардаги ўзига ва ўзгаларга нисбатан талабчанлик, ғамхўрлик жамоа аъзоларида жавобгарлик ва масъулият ҳиссининг шаклланишига сабаб бўлади.

Тўртинчидан, машхур грек мутафаккири Пифагор айтганидек: “Тинглаш ва сукут сақлаш сени доноликка етаклайди” [18], деган иборага риоя қилишда, яъни раҳбар ўзида бошқалар фикрини тинглаш қобилиятини шакллантириши лозим, чунки бу етакчининг жамоа ва халқ билан яқинликни таъминлаш гаровидир. Бошқача айтганда, яхши инсонлар сизга омад келтиради, ёмонлари тажрибангизни орттиради, ярамаслари дарс бўлади, саралари хотира қолдиради, барчани кадрланг [19].

Бешинчидан, қарор қабул қилишда ўзбек халқ мақолидагидек: “етти ўлчаб бир кесиш”, шошма-шошарликка йўл қўймасликка риоя қилишда, шунда, машхур хитойлик файласуфи Цзи Канцзи фикрдагидек: “тўғри йўл тутган пайтингда буйруқсиз ҳам ортингдан эргашадилар, нотўғри йўл тутган пайтингда буйруқ берсанг ҳам қулоқ солишмайди” [20]. Тўғри қарор қабул қилиши учун раҳбар нафақат етарли билим эгаси бўлиши, балки ўзида таҳлил қилиш маҳоратини ривожлантириши зарур, чунки француз мутафаккири Блез Паскаль айтганидек: “Олдиндан кўра билиш – бошқариш дегани” [21].

Шунингдек, жамоани бошқаришда раҳбар нотиқлик маҳоратини шакллантира ёки ривожлантира бориши зарур, чунки немис файласуфи Фридрих Гегель таъкидлаганидек: “нутқ ҳайратланарли даражада қудратли воситадир” [22].

Олтинчидан, раҳбар “Раҳбар = устоз = мураббий = миллат юзи = халқ тарбиячиси” деган тенгламани ҳаётга татбиқ этишда ҳам шахсий намуна бўлиши керак. Раҳбар берилган вазифани бажара олмаган ходимларга “Урсанг эти, сўксанг бети қотади», деган мақолга амал қилган ҳолда ҳар куни ўзи ёки ёш ходимларга малакали мутахассисларни бириктириб қўйиш орқали қўл остидагиларнинг малакасини ошириш устида ишлаши, ўқитишини норасмий равишда ташкил қилиши зарур. Шу орқали раҳбар ва ходим ўртасидаги қўринмас тўсиқ камаяди, жамоа аъзоларида ягона мақсад учун биргаликда ҳаракатланиш истаги пайдо бўлади. Раҳбар ўқитиши орқали ўз ходимини ўзи учун кашф қиласди, унинг нимага қодир эканлигини билади ва унинг салоҳиятини оширишга эришади.

Шунда раҳбар ўз зиммасидаги “юқ”ни қисман енгиллаштиради, ходимларнинг мустақил ишлашини, жамоада ишchan ва самимий муносабат ўрнатилишини таъминлайди. Натижада, жамоа бўлиб қилиниши зарур бўлган ҳар қандай вазифа ўз вақтида сифатли бажарилишига эришилади. Жамоада устоз-шогирд анъанасининг шаклланишига, қисқа фурсатда янги ишга қабул қилинган ходимларнинг фойдали иш коэффициенти ва мобилликни ошишига олиб келади.

Энг асосийси, ҳар бир раҳбар шахсий намуна кўрсатишда, хусусан ўзидаги салбий иллатларни бартараф этиш ва ижобийларини шакллантиришда “сув тошни ҳам емиради” тамойили асосида ҳаракатланиши лозим. Чунки, юқоридаги йўналишларда шахсий намуна кўрсатиш факатгина раҳбар шахсни ўз устида мунтазам ишлаши билангина ҳал қилинади.

“Янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш, тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилмас экан, давлат бошқарувида сифат ўзгариши юз бермайди” [23].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун куйидаги ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш масаласини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофик:

- Ўзбекистонда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича тизимли ишларни янада такомиллаштириш мақсадида республикада раҳбарларни тайёрлашга мўлжалланган асосий олий ўқув юрти Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув социологияси ва психологияси ихтисосликлари бўйича чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни йўлга қўйиш мақсадида тегишли Илмий кенгаш ташкил қилиш;

- турли соҳадаги раҳбар ходимлар орасидан илмий фаолиятга мойилларини кўрсатилган ихтисосликлар бўйича илмий тадқиқот олиб боришга бевосита жалб қилиш, чунки амалиётдан ажралмасдан туриб илм қилиш, ишнинг амалий аҳамиятини оширади, бошқарув соҳасида ишчан замонавий механизмларнинг ишлаб чиқилишига имкон беради. Бошқарув соҳасида фаолият олиб бораётган бўлажак олим тизимли камчиликларни аниқлаш орқали ишни самарали ташкил қилиш ва амалга оширишни уddyалайди. “Ҳақиқий раҳбар, ҳақиқий етакчи одамларнинг бардошини синаш учун эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш, оғирини енгил қилиш учун раҳбар этиб тайинланади” [24], яъни тизимли ёндашув орқали ишлаш учун қулай шарт-шароит яратиб беради.

Шу билан бирга илмий тадқиқот ишини амалга ошириш шахсда ўзига хос характер, сабрли бўлиш, етти ўлчаб бир кесиши, кучли масъулият, комиликка интилиш, изланиш ва ўргатишга хоҳиш, ўз шаъни ва қадр қимматини сақлаш, тизимли камчиликларни аниқлаш, уларнинг илмий асосланган мақбул ечимларини ишлаб чиқиш, бирорнинг фикрини хурмат қилиш каби етук раҳбар бўлиш учун зарур бўлган қатор хислатларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга, энг асосийси, етук бошқарув кадрлари захираси яратиш имконини беради, яъни Швеция қироличаси таъкидлаганидек: “Бошқарув санъатида ҳар доим ўкувчи бўлиб қолиш керак” [25].

Олим барча нарсага “олим сифатида” ёндашади, ҳар доим изланишда бўлади ва бошқаларни, агар у раҳбар бўлса, қўл остидагиларни ўқитиш ҳамда ўргатишдан чарчамайди, натижада бир вақтнинг ўзида икки муҳим вазифани амалга ошира олади. Биринчи вазифа, ўзига ишониб топширилган идора иш фаолияти самарадорлигини ошириш бўлса, иккинчиси, бўлажак раҳбарларни етишириб чиқариш билан боғлиқ масалани ҳал қиласди. Чунки, “тажрибали раҳбар = изланувчи раҳбар + ақлли ходим = самара – фойда” тенгламаси тўғри эканлигига ҳеч кимда шубҳага ўрин қолмаса керак.

## Иқтибослар/Сноски/ References:

1. Паркинсон С.Н., Рустомджи М.К. Бизнес – это люди. – М.: МИТР, 1995. – С. 125.
2. Академия тарихи. <https://dba.uz/history>
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократии Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. – Б.25-26
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5139-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3300784>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Жамият ва бошқарув № 1(91) 2021. –Б.19.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Жамият ва бошқарув № 1(91) 2021. –Б.22.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Жамият ва бошқарув № 1(91) 2021. –Б.20.
8. 7 нафар шахс туман ҳокими ўринбосари лавозимига тайинланиб, такрорий жиноят содир этган. <https://kun.uz/53720774>
9. Ҳокимлар ўқимайди, биласизларми, бизнинг энг катта муаммоломиз шу. <https://kun.uz/54645494>
10. Цитаты А.Эйнштейна. <https://ru/citaty/net/avtory/albert-einstein/>
11. Мирзиёев муштумзўр раҳбарларга қарши курашишга ваъда берди. <https://sputniknews-uz.com/politics/20171124/6912743.html>
12. Мирзиёев муштумзўр раҳбарларга қарши курашишга ваъда берди. <https://sputniknews-uz.com/politics/20171124/6912743.html>

- 
- 13. Темур тузуклари. <https://www.temurtuzuklari.uz/uz>
  - 14. Жўраева С. Ҳақиқат манзаралари. 100 мумтоз файласуф. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – Б.20.
  - 15. Бошқарув ҳикматлари. – Тошкент: Давлат бошқарув академияси, 2019. – Б.53.
  - 16. Жўраева С. Ҳақиқат манзаралари. 100 мумтоз файласуф. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – Б.21.
  - 17. Темур тузуклари. <https://www.temurtuzuklari.uz/uz>
  - 18. Жўраева С. Ҳақиқат манзаралари. 100 мумтоз файласуф. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – Б.281.
  - 19. <https://master-class.spb.ru/hunicitaty>.
  - 20. <https://ru.m.wikinote.org/wiki>.
  - 21. Бошқарув ҳикматлари. – Тошкент: Давлат бошқарув академияси, 2019. – Б.53.
  - 22. <https://master-class.spb.ru/humcitaty/>
  - 23. Жўраева С. Ҳақиқат манзаралари. 100 мумтоз файласуф. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – Б.374.
  - 24. Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2018. – Б. 55.
  - 25. <https://master-class.spb.ru/humicitaty/>

# ИЖТИМОЙ ТАДКИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

1 МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES  
SPECIAL ISSUE 1